

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 20 апрель, № 80 (7860) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# АВИАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 апрель куни «Uzbekistan airways» ҳамда «Uzbekistan airports» акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 ноябрдаги Фармонига мувофиқ, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси негизида иккита — “Uzbekistan airways” ҳамда “Uzbekistan airports” акциядорлик жамиятлари тузилган эди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қаторида мазкур компаниялар ҳам трансформация қилиниши режалаштирилган. Шу билан бирга, коронавирус пандемияси билан боғлиқ иқтисодий қийин вазият авиация тармоғини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Юртимиз авиакомпанияларини трансформация қилишда асосий эътибор иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган. Масалан, “Uzbekistan airways” акциядорлик жамияти харажатларини 46,5 миллион долларга қисқартириш ҳисоб-китоб қилинган. Бунинг учун компания ва унинг таркибидаги ташкилотларда иш ўринларини оптималлаштириш, фойдаланилмаётган 12 та самолётни тасарруфдан чиқариш, авиачипталарни хорижда сотиш бўйича агентлар комиссияси фоизини тушириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, даромадларни йилига 40 миллион долларга кўпайтириш мақсад қилинган. Бунинг учун талаб юқори бўлган шаҳарларга чартер парвозларни ва янги йўналишлар бўйича карго ташувларини амалга ошириш, барча маҳаллий рейсларга онлайн рўйхатдан ўтиш ва жойларни танлаш имкониятини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Янги бизнес стратегиясига кўра қатновлар гибрид усулга ўтказилиб, тўлиқ хизматлар ва бюджет хизматлар модели бўйича амалга оширилади. Талаб кам бўлган йўналишларда бизнес класс бекор қилиниб, ўриндиқлар сони кўпайтирилади.

Шу йил учинчи чоракдан бошлаб 4 та “А-320” самолётида лоукостер, яъни арзон қатновлар ташкил этиш мўлжалланган. Узоқ масофали йўналишларни ривожлантириш учун 3 та “A321 NEO LR” “ҳаво кемаси”ни лизингга олиш, маҳаллий авиақатновлар сонини ҳафтасига ҳозирги 17 тадан 49 тагача ошириш режалаштирилган.

Йўловчилар учун қулайликларни ошириш мақсадида соҳани рақамлаштириш, жумладан, “Aerolabs” онлайн хизматлар кўрсатиш тизимини ҳамда мижозлар билан ишлашни бошқариш учун “CRM” комплексини татбиқ этиш кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев хизматлар қулайлиги ва сифатини ошириш орқали аҳолини авиақатновларга кўпроқ жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

“Uzbekistan airports” акциядорлик жамияти самарадорлигини ошириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ушбу жамият таркибида 11 та аэропорт бор ва уларнинг ҳар бири мустақил фаолият юритмоқда.

Тақдимотга кўра, мазкур аэропортларни ягона бошқарув органи тасарруфида бирлаштириш таклиф қилинмоқда. Молиявий барқарорликни ошириш мақсадида халқаро тажриба асосида, харажатларни 32 фоиздан 15 фоизга тушириш, харидларни оптималлаштириш, аэропорт хизматлари учун йиғимларни 27 фоизга, жумладан, зиёрат туризми доирасида 50 фоизгача камайтириш мўлжалланмоқда.

Даромадларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Тошкент халқаро аэропортида юк терминалини барпо этиб, Европа ва Шарқий Осиё ўртасида транзит ҳажмини ошириш, аэровокзал майдонларини кенгайтириш орқали савдо ва хизматлар тушумини кўпайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ҳар йили ошириб бориш, ҳудудлардаги аэропортларда кетринг ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

# ХАВФ ЁНИМИЗДА

## Уни бартараф этиш ҳар биримизга боғлиқ.

*Бугун Ўзбекистонни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторида кўриш, обод ва фаровон ҳаётга эришиш, юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғвор мақсад йўлида дадил одимлаб бораётган халқимизни ўз танлаган йўлидан чалғитишга, адаштиришга, олдимизга турли ғовлар яратишга очиқдан-очиқ уринишлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.*

**Огоҳлик**



Ачинарлиси, айрим юртдошларимиз билиб-билмай ана шундай қора ниятли кучлар тегирмонига сув қуймоқда. Ўзининг лоқайдлиги, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, эл-юрт тақдирига бефарқлиги билан уларнинг қуролига айланиб қолмоқда.

Айни пайтда глобал муаммо ҳисобланган коронавируснинг мамлакатимизда яна кенг тарқалишига англаб-англамай ҳисса қўшаётганларнинг ҳам ана шундай хиёнаткорлардан фарқи йўқ, десак, хато эмас.

17 апрель куни пойтахтимизда коронавирусга қарши курашиш бўйича Махсус комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бежиз ташкил этилмади. Боиси республикамизда март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб касалланишнинг ўсиши кузатилмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳридаги эпидемиологик вазият бошқа ҳудудларга нисбатан анча мураккаб. Юртимизда шу йилнинг 15 мартидан 15 апрелигача бўлган даврда жами 5 минг 513 нафар бемор қайд қилинган (кунига ўртача 183 нафардан). Бир суткада ўртача 40 — 42 мингта ПЗР тест синамалари ўтказилаётган бўлса, 0,7-0,8 фоиз (жорий йилнинг январь ойида ушбу кўрсаткич 0,2-0,3 фоиз) мусбат натижалар қайд этилмоқда. Касалланиш кўрсаткичлари ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 0,8-0,9 нафарни (жорий йилнинг январь ойида ушбу кўрсаткич 0,1-0,2 нафар) ташкил қилмоқда.

Дунё бўйича коронавируснинг тарқалиш тезлиги пандемия бошлангандан буён энг юқори чўққисига яқинлашмоқда, деб баёнот берди **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейесус** журналистлар учун уюштирилган брифингда.

“*Дунё бўйлаб коронавирусга чалиниш ва вафот этиш ҳолатлари хавотирли тезлик билан кўпаймоқда. Ҳафталик коронавирусга чалиниш ҳолатлари сони бўйича кўрсаткичлар сўнгги икки ой ичида икки баробарга кўпайган ва пандемия бошлангандан буён энг юқори чўққисига яқинлашмоқда. Илгари коронавирус инфекциясининг тез тарқалишини жиловлай олган қатор мамлакатларда ҳам ҳозир вазият мураккаблашган*”, деди у.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 18 апрель кунининг ўзида Ўзбекистонда 302 нафар киши коронавирус инфекциясини юқтириб олган. Шифохоналарда ушбу вирусдан даволанаётган 2 мингдан зиёд беморларнинг 238 нафари оғир аҳволда.

➔ 3

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# КРЕАТИВ ЁНДАШУВ ВА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари креатив ёндашув, дахлдорлик масъулияти нуқтаи назаридан жиддий ва батафсил кўриб чиқилди. Зеро, қонун лойиҳалари муҳокамаларида депутатларнинг фаол иштирок этиши, фикр билдириши, тортишиши, қизғин баҳс-мунозарага киришиши ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта тайёрланишида, ҳаётимизга самарали татбиқ этилишида муҳим ўрин тутади.*

## Янги Наманган тумани ташкил этилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида аҳоли учун ижтимоий ва маиший қулайликлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Наманган шаҳри ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Наманган шаҳар бўйсунувида Янги Наманган туманини ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

➔ 2

Жанубий Корея нашри:

# ЎЗБЕКИСТОН СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИ

*Жанубий Кореянинг инглиз тилида чоп этиладиган етакчи нашрларидан бири “The Korea Post” газетаси веб-сайтида “Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга сайлов Ўзбекистондаги ҳақиқий ислоҳотларни акс эттирадими?” сарлавҳали мақола чоп қилинди.*

**«Халқ сўзи» учун махсус**

Нашрда Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида сезиларли натижаларга эришилгани таъкидланган. Бугунги кунда мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мунтазам ҳамда босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели шаклланди.

Материалда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та ихтиёрий баённомасига қўшилгани маълум қилинган. Уларнинг бажарилиши тўғрисида БМТнинг инсон ҳуқуқлари механизмининг турли органларига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ва 75-сессияларидаги иштироки ҳам муҳим воқеа бўлди. Ҳамкорликнинг янги муҳити туфайли Ўзбекистон БМТ фаолиятининг барча йўналишдаги жараёнларининг фаол иштирокчисига айланди. Бу эса етакчи халқаро ташкилотга аъзо давлатларнинг республика билан муносабатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

БМТ доирасида Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Мазкур ташаббуслар бугунги кунда тинчлик, барқарорлик ҳамда изчил ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга амалий ҳисса қўшмоқда.

“Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органларининг бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ушбу универсал халқаро ташкилот билан ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Чунки инсон ҳуқуқларини таъминламай туриб давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар ривожланиш масалаларини ҳал қилиш мумкин эмас”, деб ёзилади Жанубий Корея нашрида.

Ўзбекистонда халқаро қонунчилик базасини ўрганиш, фавқулодда вазият, эпидемия ва пандемия шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий тартибга солишнинг илғор хорижий ва маҳаллий тажрибалари асосида 50 дан ортиқ қонунлар, давлат раҳбарининг Фармон ва қарорлари қисқа вақт ичида қабул қилинди.

Мақолада қайд этилишича, мазкур ҳужжатлар аҳоли хавфсизлиги, одамлар ва тиббиёт муассасаларининг дори-дармонлар, тиббий буюмлар, тиббий асбоб-ускуналар ва зарур товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш, коронавирус инфекциясига қарши курашиш, касаллик тарқалишининг олдини олиш, коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши кураш жараёнида иштирок этаётган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари, санитария эпидемиологик барқарорликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фуқароларнинг манзилли ижтимоий ҳимояси, иқтисодиёт ва тадбиркорларга шароитлар яратишга қаратилган.

“Умуман олганда, тезкор ва ўз вақтида кўрилган тизимли чоралар COVID-19 кенг тарқалишининг олдини олишга, мамлакатнинг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга имкон берди”, деб якун ясалади “The Korea Post”даги мақолага.

**«Дунё» АА.**
Сеул

**Сенат қўмиталарида**

# ИШЧИ ГУРУҲ МАСАЛАНИ ЖОЙИГА БОРИБ ЎРГАНДИ

*Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари иштирок этди.*

Унда Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши назарда тутилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун, “Боғдорчилик-узумчилик ширкатларининг амалдаги фаолияти ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари” юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Боғдорчилик-узумчилик ширкатларининг амалдаги фаолияти ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари юзасидан юборилган парламент сўрови натижаларига кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятини комплекс ўрганиш, юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда соҳани тартибга солиш юзасидан республика ишчи гуруҳи тузилган.

➔ 2

# ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ

## Самарқанд янада кўркам шаҳарга айланмоқда

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига қилган ташрифини том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлди, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.*

*Юртбошимиз вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан шаҳар ва туманлардаги қатор саноат корхоналари, туризм мажмуалари, қишлоқ хўжалиги, транспорт инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган лойиҳалар билан танишди. Янги уйлардаги ўзгаришларни бориб кўриб, маҳаллий Кенгаш депутатлари, аҳоли вакиллари билан самимий мулоқот қилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг улкан истиқболлари белгиланди.*



**Акс садо**



## Халқаро аэропорт — Самарқанднинг «ташриф қоғози»

Президентнинг улкан бунёдкорлик ишлари билан танишуви Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йили вилоятга ташрифи чоғида ушбу ҳаво бандаргоҳини модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шу асосда бу ерда белгиланган лойиҳа доирасида янги терминал, учиш-қўниш йўлаги, тураргоҳ ва бошқа объектлар барпо этилмоқда.

Китоб шаклидаги янги терминал замонавий дизайнга эга бўлади. Унинг йиллик қуввати 1,5 миллион йўловчига тенглаштирилган. Бу дегани бир соатда камида 800 дан минг нафаргача йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилмоқда. Илгари бу кўрсаткич 400 нафарга тенг эди.

Шунингдек, у ерда турли катталикдаги самолётлар учун 24 та тураргоҳ барпо этилмоқда. Шундан учтаси “ҳаво кемалари”га музлашга қарши ишлов бериш учун мўлжалланган бўлади.

— Ушбу аэропорт авиация хавфсизлиги даражаси бўйича Европадагиниям қўшиб ҳисоблаганда, иккинчи аэропорт бўлади. Ўрта Осиёда эса биринчи, — дейди Самарқанд халқаро аэропорти директори ўринбосари Зафар Гапиров. — Яъни аэропорт ҳудудидан ташқарида, шаҳарга қараб юришда бир километр масофада светофор бор. Ана шу светофордан бошлаб рентген аппаратлари жойлаштирилади. Натижада транспорт воситаси аэровокзал дарвозаси олдигача кириб келиши мумкин бўлади.

➔ 4

# ЎТГАН ВА ЖОРИЙ ҲАФТА ДАВОМИДАГИ РАСМИЙ ТАДБИРЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов иштирокида навбатдаги брифинг бўлиб ўтди.*

**Брифинг**

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган ва ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида олиб борилган ушбу тадбирда маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар қатнашди.

Қайд этилганидек, ўтган ҳафта ҳам давлатимиз раҳбарининг иш жадвали тиғиз ва муҳим тадбирларга бой бўлди. Хусусан, Президентимиз 12 апрель, душанба куни Тошкент шаҳри бўйича инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

➔ 2

# ИШЧИ ГУРУҲ МАСАЛАНИ ЖОЙИГА БОРИБ ЎРГАНДИ

1

Ишчи гуруҳ 6 минг 140 гектар майдондаги 730 та боғдорчилик-узумчилик ширкатларининг ер участкалари, бино-иншоотлари ҳамда кадастр ҳужжатларини ўрганган. Аниқланишича, айрим ширкатлар тугатилганлиги ёки аҳоли пунктига ўтказилганлиги, ширкатларнинг ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлари таҳлил қилинганда, ширкатлар ортиқча ер майдонларини эгаллаб олганлиги маълум бўлган.

Ширкатлар ҳудудидаги 11 мингга яқин дала-ҳовлилар тураржой сифатида, 400 га яқини эса нотураржой сифатида ҳужжатсиз фойдаланиб келиниши қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг 2021 йил 26 февралдаги хатига асосан халқ депутатлари Уйчи тумани Кенгашининг бир қатор қарорлари қонунга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан қўмита томонидан олиб борилган ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди.

# АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРДА НАЗОРАТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг мажлисида ҳам юқори палатанинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хориждаги, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, мамлакатдан чиқиш ҳамда унга киришни ташкил этиш тизими ва механизмларини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, ҳужжат билан меҳнат муносабатлари соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шаффоф ҳамда очиқ тартиби яратилади, чет эл фуқароларига давлат хизматларидан кенг фойдаланиш имконияти берилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан коронавирус пандемияси шароитида аҳоли, шу жумладан, муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини сақлашга доир қонунлар ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш масалаларига қаратилган муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда прокуратура органларининг амалга оширган ижобий ишлари билан бир қаторда, мамлакатимизда репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги камчиликлар оқибатида ўтган йилдагига нисбатан гўдаклар ўлими 428 тага, оналар ўлими 10 тага ошганлиги, оғир молиявий аҳволга тушган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси етарли даражада таъминланмагани қайд этилиб, ушбу йўналишларда назоратни янада кучайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Аниқланган ҳар бир қонун бузилиши ҳолатига нисбатан қатъий ва таъсирчан чоралар кўриш зарурлиги айтилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# КРЕАТИВ ЁНДАШУВ ВА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

1

Ушбу таклиф халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг ҳамда Наманган вилояти Кенгашининг қарорлари билан маъқулланган.

Янги туманнинг саноат ва ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш бўйича унинг ҳудудида 16 та саноат корхонаси ва 4 та кичик саноат зонаси барпо қилинади. Натижада 245 миллиард сўмлик 62 та лойиҳада 2 минг 600 та янги иш ўрни яратиш белгиланмоқда.

Маълумки, 2020 йилда Наманган шаҳар таркибида Давлатобод тумани ташкил этилган эди. Айни пайтда мазкур ҳудудда янги инфратузилма объектлари бунёд қилиниб, аҳолига хизмат кўрсатиш тизими янада яхшиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, бу ўзгаришлар аҳоли турмуш даражаси юксалишига қулай шарт-шароитлар яратади, шу билан бирга, бандликни таъминлаш, саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари сонини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда халқ вакиллари Янги Наманган туманини ташкил этиш бўйича Қонунчилик палатасининг қарорини бир овоздан қабул қилди.

## Қонун лойиҳаси қўмитага қайтарилди

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қуйи палатанинг шу йил 7 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида ушбу лойиҳа қизғин муҳокамаларга сабаб бўлиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.

Лойиҳа билан электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш ваколати ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларига берилаётгани қизғин муҳокамаларга сабаб бўлган эди. Амалда бу турдаги қоидабузарликлар билан Мажбурий ижро бюроси органлари шуғулланиб келган.

Муҳокамаларда депутатлар ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларига қўшимча тариқасида берилаётган вазифалар қатор муаммоларни келтириб чиқаришини таъкидлади. Халқ вакилларининг фикрича, бу уларда асосий ишидан ташқари иш кўлами ортишига, манфаатлар тўқнашуви, коррупцион ҳолатлар кўпайишига сабаб бўлиши мумкин.

Мунозараларда қатнашган ИИВ масъуллари ҳам белгиланаётган нормаларга қўшилмасликларини билдириб, бугунги кунда профилактика инспекторлари зиммасига кўплаб вазифалар юклатилаётгани, ҳар қайси жиҳатдан ёндашилган тақдирда ҳам қўйилган вазифани бажаришга амалий вақт етмаслигини, қолаверса, профилактика инспекторлари бу соҳада мутахассис эмаслигини қайд этди.

Қонун лойиҳаси овозга қўйилгач, депутатларнинг кўпчилиги унга қарши овоз беришди.

Мажлисда қонун лойиҳаси масъул қўмитага қайтарилди.

## Давлат тили билан боғлиқ қандай ўзгаришлар бўляпти?

Депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Қуйи палата томонидан қонун лойиҳаси дастлаб жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳаси юзасидан 4 минг 245 та фикр-мулоҳаза, таклиф келиб тушди. Улар асосида лойиҳа такомиллаштирилиб, маромига етказилди. Ишчи гуруҳи томонидан лойиҳани биринчи ўқиш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари берган таклифлар ҳам таҳлилий ўрганилди ва уларнинг аксарияти лойиҳада ўз аксини топди.

Қонун лойиҳаси билан давлат тили миллий қадрият сифатида эътироф этилиши, шунингдек, давлат тилига ҳурматсизлик, уни камситиш ва бузиб талқин қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Лойиҳага кўра, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари ҳурмат қилиниши таъминланади, шунингдек, уларнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилади. Ўзбекистон Республикасида тил бўйича камситишга ҳамда давлат тилини билмаслиги муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилмайди.



Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишига кўра танлаш ҳуқуқига эгадир. Давлат органлари ва ташкилотлари касб, мутахассислик, лавозим вазифаларини бажариш учун давлат тилини билмайдиган ўз ходимларига давлат тилини ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Лойиҳага давлат тили ва уни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, барча соҳада давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ҳамда аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, илмий-бадиий адабиётларни давлат тилига таржима қилишни қўллаб-қувватлаш кабилар давлат тилига оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида янги норма тарзида киритилди.

Мажлисда депутатлар давлат тилининг қўлланилиши масаласига таълим соҳасида алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини айтиб ўтишди. Бунда таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш ўта долзарблиги таъкидланди. Қолаверса, депутатлар давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш масалаларига оид амалий таклифларни илгари сурди.

Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси қизғин тортишувларга сабаб бўлди. Лойиҳада белгиланган адабий тил меъёрларига риоя қилиш, давлат тили ва уни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, барча соҳада давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш масалалари халқ вакиллари диққат-эътиборида бўлди.

Қонунчилик палатасининг ушбу қонун лойиҳасига бағишланган муҳокамаси бугун давом этади.

**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

# АЁЛЛАР БАНДЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган 69 минг 877 нафар хотин-қизнинг 19 минг 643 нафарига (28 фоиз) кредитлар берилган бўлиб, фаолиятини тўхтатганларни қўллаб-қувватлаш учун хорижий лойиҳалар ҳам жалб этилмоқда.*

## Парламент назорати

Хусусан, Жанубий Кореянинг “Good Neighbors International” нодавлат нотижорат ташкилоти ва Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликда Мирзачўл туманидаги Мустақиллик маҳалласида қиймати 1,2 миллион АҚШ доллари бўлган “Тадбиркорлик салоҳиятини ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва бизнес стартапларни ишга тушириш” лойиҳаси доирасида 400 нафар хотин-қизни хизмат кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик бўйича профессионал ўқитиш, кредит, субсидия олишларида яқиндан ёрдам кўрсатиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг мажлисида сўз борди.

Хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида хотин-қизлар тадбиркорлиги борасида ягона ва яхлит “маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика” тизими яратилган. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи вақтинча ишсиз аёллар ва умумтаълим мактаблари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, молиявий саводхонлигини ошириш учун онлайн “Biznes klinikalar” ташкил этилди.

Шунингдек, Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорликда Фарғона ва Жиззах вилоятларида қиймати 2 миллион 728 минг АҚШ доллари бўлган “Ўзбекистондаги қишлоқ аёлларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида қишлоқ жойлардаги аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш режалаштирилган.

Қолаверса, “аёллар дафтари”га кирган хотин-қизларни ўқитиш мақсадида Халқ банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан имзоланган Меморандумга кўра жорий йилда 26 минг 508 нафар хотин-қизга сертификатлар берилиб, уларни тадбиркорликка йўналтириш белгиланган.

Мажлисда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар назоратга олиниши қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎТГАН ВА ЖОРИЙ ҲАФТА ДАВОМИДАГИ РАСМИЙ ТАДБИРЛАР

1

Шу билан бирга, брифингда ёшлар масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг видеоанжуман шаклида учрашуви бўлиб ўтгани, давлатимиз раҳбари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири Анн Линде бошчилигидаги делегацияни қабул қилгани, шунингдек, Самарқанд вилоятида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ҳамда аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишгани айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, ҳафта давомида имзоланган ҳужжатлар ҳақида ҳам қисқача маълумот берилди. Хусусан, 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингани, ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Шу билан бирга, брифингда жорий ҳафта давомида давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирлар хусусида ҳам ахборот тақдим этилди.

Таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиши режалаштирилган. Айтиш жоизки, бу йўналиш иқтисодиётда, аҳоли бандлигини таъминлашда жуда катта салоҳиятга эга. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини шу тармоқ таъминлайди. Бизда ҳам бу соҳани тўлиқ ишга солиш мақсадида янги имкониятлар, қулайликлар белгиланиши кутилмоқда.

— Халқаро кун тартибига келадиган бўлсак, ҳафта ичида Президентимиз бир қатор янги хорижий элчилардан, хусусан, Бангладеш — Муҳаммад Жаҳонгир Алам, Чехия — Вацлав Йилек, Миср — Амира Фаҳми, Иордания — Демия Зуҳейр Хаддад, Туркия — Олган Бекар, Европа Иттифоқи — Шарлотт Адриан, Россия Федерацияси — Олег Мальгиновдан ишонч ёрлиқларини қабул қилади, — деди Шерзод Асадов. — Бўлажак маросим янги элчиларнинг юртимиздаги фаолиятига расмий старт беради.

Бундан ташқари, брифингда давлат раҳбари иштирокида ой якунига қадар ташкил этиладиган бир қатор икки томонлама ҳамда йирик халқаро тадбирларга тайёргарлик кўрилаётгани қайд этилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСИ ПИШИҚ-ПУХТА БЎЛСА, ИЖРОСИ САМАРАЛИ БЎЛАДИ

*Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни устида фаол иш олиб борилмоқда. Қайд этиш керак, мазкур кодекс лойиҳаси амалдагисидан деярли уч баробар катта бўлиб, унга қатор янги нормалар киритилмоқда.*

## Кодекс лойиҳаси — муҳокамада

Авваламбор, лойиҳада ҳозирги даврда жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган — меҳнат қилиш ҳуқуқи эркинлиги ва мажбурий меҳнат масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, лойиҳада меҳнат қилиш эркинлиги тушунчаси аниқ таърифланиши билан бирга, меҳнат қилиш эркинлигини амалга ошириш инструментлари очиб берилган. Шунингдек, мажбурий меҳнатни қатъий тақиқлаш баробарида, мажбурий меҳнатдан чеклашни истисно қилувчи ҳолатлар ҳам аниқлаштириляпти.

***Иккинчидан***, Меҳнат кодекси лойиҳасида “меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик” институтини жорий қилиш, унинг асосий принцип ва мақсадлари ҳамда унинг томонлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Мисол учун ходимларнинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай вакиллик органини тузиш, унга аъзо бўлиш ёхуд бошқа жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш эркинлиги кафолатланиб, бунда эркинликни амалга оширишга ҳар қандай кўринишдаги тўсқинликка жавобгарлик белгиланмоқда. Эътиборли томони шундаки, ходимларни вакиллик органининг аъзоси ёки раҳбарининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлашга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

***Учинчидан***, лойиҳада ишга қабул қилиш ёши ҳам ўзгариши назарда тутилмоқда. Жумладан, амалдаги Меҳнат кодексига мувофиқ ишга қабул қилиш ёши 16 ёш, алоҳида ҳолларда эса 15 ёш, деб белгиланган бўлса-да, лойиҳада алоҳида ҳолларда 15 ёшга тўлмаган шахсларни маданий-томоша, телевидение, радио ташкилотлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ота ҳамда онанинг ёки ота-она ўрнини босувчи шахснинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ишга қабул қилиш белгиланмоқда. Сабаби, ҳозирги кунда бир қанча ёшлар, жумладан, мактаб ўқувчилари ҳам маданий-томоша дастурлари учун юқорида қайд этилган ташкилотлар томонидан уларнинг меҳнатидан фойдаланган ҳолда жалб этилса-да, меҳнат шартномаси тузилмайди. Ваҳоланки, бу жараёнда ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатланмаслиги билан бирга, иш берувчининг мажбуриятлари (иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлар, компенсация ва ҳоказо) ҳам эътибордан четда қолаётган эди.

***Тўртинчидан,*** лойиҳада ходимнинг шахсига доир маълумотлар тушунчаси, уларнинг рўйхати, улардан фойдаланиш, қайта ишлаш, сақлашга доир томонларнинг мажбуриятлари ҳамда иш берувчининг бу тартибларга риоя қилмаслиги борасида жавобгарлиги белгиланмоқда. Масалан, иш берувчига ходимнинг розилигисиз, унинг шахсига доир маълумотларни унинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ошкора қилмаслиги, шунингдек, ходимлар вакиллик органи билан биргаликда ходимнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланиш, сақлаш, қайта ишлаш ва учинчи шахсларга бериш борасида ҳимоясини таъминлаш каби мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгиланмоқда.

***Бешинчидан,*** лойиҳада мамлакатимизда олиб борилаётган гендер тенглиги сиёсати ва Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, қисқартирилган иш вақти белгиланадиган ходимлар тоифаси янада кенгайтирилмоқда. Хусусан, бундай ходимлар тоифасига уч ёшгача фарзанди бўлган ҳамда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотда ишловчи ота-онадан бири, васийга қисқартирилган иш вақти белгиланиши назарда тутилмоқда. Амалдаги кодексга мувофиқ, мазкур ҳуқуқ фақат аёл кишида бор бўлиб, амалиётда гендер тенглиги тамойилларига тўғри келмасди. Албатта, бу ҳуқуқдан ота-онанинг бири фойдаланиши назарда тутилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, лойиҳада давлат секторида ишламайдиган уч ёшгача фарзанди бўлган ота-она, васийга ҳам қисқартирилган иш вақти қоидалари (жамоа келишувларида, жамоа шартномасида белгилаш орқали)ни қўллаш назарда тутилмоқда.

***Олтинчидан,*** лойиҳада ходимларнинг йиллик асосий меҳнат таътили минимал муддатини ўзгартириш назарда тутилган бўлиб, йиллик асосий меҳнат таътили муддатини (амалдаги кодексда 15 иш куни) 21 календарь куни этиб белгилаш назарда тутилмоқда. Бу эса ҳафтада 5 ва 6 иш кунларида ишловчи ходимларга асосий йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишда қулайлик яратишга қаратилган.

***Еттинчидан,*** лойиҳада илк бор ходим томонидан содир этилган ножўя интизомий хатти-ҳаракат юзасидан ҳақиқатни аниқлашга қаратилган хизмат тешируви институти, унинг тушунчаси, ўтказиш тартиби, натижаларини расмийлаштириш тартиблари ҳам акс этмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида меҳнат муносабатларида меҳнат муҳофазасини таъминлашда иш берувчи ҳамда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат низолари масалаларини ҳал қилиш (тартибга солиш)га қаратилган медиатор, меҳнат низолари комиссияси, меҳнат арбитражи институтларини жорий қилиш ҳамда улар орқали якка тартибдаги ва жамоавий меҳнат низоларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш тартиблари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида жамоатчилик вакиллари, олимлар ҳамда экспертларни жалб қилиб, лойиҳада акс этган нормаларнинг амалдаги қонунчилик ва амалиёт билан уйғунлигини таъминлашга эътибор қаратилди. Хусусан, муҳокама жараёнида давлат органларининг лойиҳа бўйича юборган таклифларидан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари, тадбиркорлик субъектлари таклифлари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилиш жараёнида лойиҳада акс этган ҳуқуқий нормаларни эътироф қилган ҳолда унинг айрим нормалари амалдаги қонунчиликка мос эмаслиги, айримлари эса амалиётда коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида хулосага келинди. Шу билан бирга, айрим нормалар такомиллаштириш мақсадида тўлдирилди ҳамда қонунчилик ва юридик техника талабларига мувофиқлаштирилди.

Жумладан, кодекс лойиҳасида масофавий ишлайдиган ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида хорижий тажриба ва амалиётдаги муаммоларни инобатга олган ҳолда доимий ҳамда вақтинчалик масофавий ишлаш (453-модда), иш берувчи ташаббуси билан доимий ва вақтинчалик масофавий иш фаолиятига ўтиш (454-модда), масофавий иш фаолиятига ўтишни расмийлаштириш (457-модда), масофавий иш фаолиятига ўтиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар (458-модда) каби янги моддалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, кодекс лойиҳасининг 127-моддасига иш берувчи томонидан ишга қабул қилиш ҳамда тегишли ёзувларни меҳнат дафтарчасига киритиш билан боғлиқ жараёнда ёзувларни меҳнат дафтарчасига ҳамда “Меҳнат ягона миллий тизими”га киритиш муддатлари ва тартибини аниқлаштирувчи қоидалар киритилди.

Лойиҳада айрим ҳаволаки нормалардан воз кечиш мақсадида тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилди.

Бундан ташқари, лойиҳада меҳнат муносабатларини амалга оширишда ижтимоий шериклик муносабатлари механизмлари тўлиқ ёритилмаганлиги аниқланди.

Жумладан, 14-моддада жамоа келишувларини ўзаро ҳамда локал ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлиги қоидалари тўлиқ ёритиб берилмаганлиги ҳамда 29-моддада ваколатли давлат органлари йўлланмасига асосан иш берувчи ва ходим ўртасида якка тартибдаги меҳнат муносабатларининг келиб чиқиш асослари “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ҳамда “Умумий ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлар талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланиб, мазкур моддалар амалдаги қонунлар асосида зарур нормалар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, лойиҳада Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни олиб бориш бўйича ҳаддан ташқари кенг ваколатларни назарда тутувчи айрим нормалар (568 — 570, 576 ва 386-моддалар) амалиётда суиистеъмоллик ва коррупциявий шароитлар келтириб чиқаришининг олдини олиш мақсадида чиқариб ташланди.

Меҳнат муносабатларини амалга оширишда хусусий сектор фаолиятига давлат органларининг ортиқча аралашувининг олдини олиш мақсадида 274-моддадаги меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш, амалга киритиш, алмаштириш ҳамда қайта кўриб чиқиш борасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг айрим ваколатлари чиқариб ташланди.

Кодекс лойиҳаси юридик техника қоидалари талабларига мос эмаслиги, унинг бир жойида муайян атама ишлатилган бўлса, бошқа жойда бундай атама бошқача ишлатилганлиги, мазкур ҳолат ҳуқуқни қўлловчига муаммо келтириб чиқариши ёхуд лойиҳада ишлатилган тушунчаларни қисқартириш қоидаларига риоя қилинмаганлиги ҳам аниқланиб, мазкур камчиликлар бартараф этилишига эришилди.

Қисқача айтганда, айни пайтда кодекс лойиҳаси пишиқ-пухта тайёрланишига жиддий аҳамият берилмоқда. Зеро, ҳар жиҳатдан мукаммал ҳужжатнинг амалиётда ижроси янада самарали бўлади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик**
**палатаси депутати.**

# ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА КИРИТИЛМАЙДИ

*Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан кетар эканмиз, ҳар бир ҳаракатимиз ва фаолиятимиз қонунларга асосланган бўлиши лозим. “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонун билан томорқа хўжаликларининг ҳуқуқий мақоми белгиланиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.*

## Фикр

Хўш, бугун томорқа хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкаларидан фойдаланиш борасида қонунга зарурият бор эдими, деган савол туғилиши табиий.

Албатта, мамлакатимизда ҳар қарич ердан, хусусан, томорқалардан унумли фойдаланиб, уни даромад манбаига айлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Қонунинг қабул қилиниши эса аҳолининг томорқалардан фойдаланишида ҳуқуқий асос яратади. Бинобарин, ҳар соҳада ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги ҳуқуқий демократик жамиятнинг негизини ташкил этади.

Қонунга кўра томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолияти ҳисобланади. Бунда томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолиятига киритилмайди ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди. Албатта, бу аҳоли учун катта имконият ҳамда имтиёздир.

Шунингдек, Қонунда шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, улар томорқа хўжаликларини эркин ҳамда мустақил равишда бошқариш, жумладан, етиштирилган ва мустақил тарзда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин реализация қилиш, мустақил равишда нарх белгилаш ҳамда олинган даромадларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Томорқа хўжаликларининг ҳисоби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан томорқа хўжаликларини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш орқали юритилади. Унда шахсий томорқа хўжалиги эгаси, шахсий томорқа ер участкасининг майдони, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, асалариларнинг, паррандаларнинг ва ипак қурти қутиларининг сони тўғрисидаги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасининг, ускуналарининг, транспорт воситаларининг сони тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Умуман, мазкур Қонун мамлакатимизда томорқа учун ажратилган ерлардан унумли фойдаланишда ва уни аҳолининг даромад манбаига айлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Барно МИРЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик**
**палатаси депутати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МИРЗА АЗИЗОВ



Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Миллий театр ва кино санъатимизнинг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов оғир касалликдан сўнг шу йил 15 апрель куни 58 ёшида вафот этди.

Мирза Азизов 1963 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган. 1987 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни мусиқали драма актёри ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида вокал артисти сифатида бошлаб, 1992 —1997 йиллар давомида Ўзбек давлат драма театрида ҳам самарали ижод қилди.

Мирза Азизов кўп йиллик серқирра ижодий фаолияти мобайнида ноёб истеъдоди ва юксак маҳорати билан театр саҳнаси ва кино санъатида томошабинлар қалбидан чуқур жой олган ўнлаб ёрқин образлар яратди.

Истеъдодли актёр "Юсуф ва Зулайҳо", "Фарҳод ва Ширин", "Нодирабегим", "Алпомишнинг қайтиши", "Топталган туйғу" каби машҳур спектаклларда, "Кўнгил кўчалари", "Остона", "Имом Бухорий", "Муҳаббат синовлари", "Тубанлик", "Мурувват", "Гумроҳлар", "Новда" каби кўплаб кинофильмларда бетакрор характер ва дунёқарашга эга бўлган турли шахслар сиймосини моҳирона талқин этиб, минглаб санъат мухлислари ва кенг жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Ўз фаолиятининг маъно-мазмунини халқимизга, жонажон Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишда, деб билган санъат фидойиси мамлакатимизда ўтказиб келинаётган барча оммавий-маданий тадбирларнинг фаол иштирокчиси эди.

У 2016 йилдан бошлаб Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри директори лавозимида самарали меҳнат қилиб, 80 йиллик шонли тарихга эга ушбу санъат даргоҳининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, репертуар таркибини замонавий ва тарихий асарлар билан бойитишга, иқтидорли актёрларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

Катта ижод ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган М. Азизов халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, эзгулик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш йўлида чинакам фидойилик намунасини кўрсатди.

Мирза Азизовнинг ўзбек театр ва кино санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари билан мукофотланган эди.

Таниқли санъаткор, самимий ва камтарин инсон Мирза Азизовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, О. НАЗАРБЕКОВ, Ё. САЪДИЕВ**

# ХАВФ ЁНИМИЗДА

## Уни бартараф этиш ҳар биримизга боғлиқ.

1

Ана шундай хавфли ҳолатда эса айрим юртдошларимиз гўё ҳеч нарса бўлмагандек, вирус келтираётган талафотлар, уларни бартараф этиш йўлида чекилган захматлар худди эртакдек хотиржам юришибди. Баъзилар ҳатто кўпчилик йиғиладиган жойларда, жамоат транспортларида умуман тиббий ниқоб тақмай қўйди. Чойхонаю кафелар, кўнгилочар масканлар пандемиядан олдин қандай гавжум бўлса, бугун ҳам деярли шундай. Тўйхонаю ресторанларда гумбур-гумбур оилавий тадбирлар, тантаналар авжида. Ўзаро ижтимоий масофа сақлаш ҳақида гапирсангиз, энсаси қотади ёки душманига дуч келгандек кўзини чақчайтиради. Сўзингизни оғзингиздан чиқмасдан ёқангизга ёпиштиради: "Нималар деяпсиз? Мен касал эмасман!"

Афсуски, ана шундай хотиржамлик — ҳамма балоларнинг бошланиши.

Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида йиғилишда соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — **Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари Баҳодир Юсупалиев** томонидан мамлакатимиз ҳудудида коронавирус пандемиясига қарши чораларни давом эттириш ва инфекция кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш мақсадида қатор таклифлар билдирилди. Жумладан, барча жойларда ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, қўлларни антисептиклар билан зарарсизлантириш тадбирлари назоратини ИИВ, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология хизмати, маҳалла посбонларини жалб қилган ҳолда кучайтириш ва аниқланган қоидабузарликларга нисбатан кескин чоралар кўриш, зарурият бўлмаганда мамлакатимиз фуқароларига чет давлатларга чиқишни чеклаш, четдан кириб келишда ПЗР текшируви "манфий" эканлигини тасдиқловчи маълумотнома тақдим қилиш тавсия этилди.

Эндиликда оммавий ва бошқа турли йиғинлар иштирокчилар сонини чегаралаган ҳолда ташкил этилиши назорати янада кучайтирилади. Ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати хулосасига кўра, коронавирус аниқланган ҳар бир мактабгача таълим, умумтаълим, коллеж-лицей ва олий ўқув юртларида ўқув ва тарбия жараёнини онлайнга ўтказиш ва карантин муддати тугагандан кейин қайтадан офлайн усулга ўтиш амалиёти татбиқ этилади.

Рамазон ойи муносабати билан кечки таровеҳ намозларида ёпиқ иншоотлардан фойдаланмаслик ва масжиднинг очиқ ҳаводаги майдонларида оралиқ масофани сақлаган ҳолда жамоа намозларини ташкил этиш тавсия қилинади. Бугунги мураккаб ҳолатда хавф гуруҳига мансуб 65 ёш ва ундан катталар, шунингдек, ёш болалар, мактаб ўқувчиларининг ушбу тадбирларда иштирокини тақиқлаш ва ифторлик маросимларининг имкон қадар оила даврасида ёки меҳмонларни кўпайтирмаган ҳолатда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий мажлислар ва йиғилишларни кескин камайтириш ва масофавий тизимда олиб бориш, халқаро симпозиумлар, съездлар, конференциялар аввалдан режалаштирилган бўлса, у ҳолда бу тадбирларни иштирокчилар билан зал ҳажмининг 50 фоиздан кам қисмини тўлдирган ҳолда, тез-тез танаффуслар орқали хона ҳавосини янгилаш асосида ўтказиш тартиби жорий қилинади.

Йиғилишда 18 апрелдан карантин қоидаларига амал қилиниши назорати янада кучайтирилиши айтиб ўтилди. Бу бўйича мутасадди ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Эндиликда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилот, корхоналарда, савдо мажмуалари, кўнгилочар муассасалар кириш қисмида термометрия/пирометрия ҳамда қўлларни антисептик воситалар билан зарарсизлантириш амалиёти қатъий татбиқ этилиши шарт.

Жамоат транспортлари сиғимининг 50 фоизи миқдорида йўловчилар ташишига эришиш, ушбу мақсадда йўналишли транспорт воситалари сонини ошириш ҳамда охирги бекатда дезинфекция-тозалаш ишлари амалга оширилиши кучайтирилди. Темир йўл вокзаллари ва аэропортларда карантин қоидаларига қатъий назорат, жумладан, дезинфекция тадбирларини мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилади.

Касаллик аниқланган ҳолларда беморнинг мулоқотидагилари билан ишлаш тизимини кучайтириш, бирламчи тиббий бўғин муассасалари томонидан карантинга олинган фуқаролар ва улар оиласидагиларнинг кунлик тиббий назорати олиб бориладиган бўлди.

Касалланишларнинг 70 фоизи уйдаги мулоқотда юқаётганлиги ҳамда беморларнинг 50 фоизидан кўпроғи уй шароитида даволанаётгани инобатга олиниб, ҳар бир касаллик ўчоғида, шунингдек, уй шароитида даволанишга олинганларнинг хонадонларида карантин қоидаларига риоя қилишлари устидан ИИВ, Миллий гвардия ходимлари, маҳалла фаоллари томонидан кузатувга олиш тартиби жорий этилди.

Демак, вазият чиндан ҳам жиддий. Халқимиз соғлиғи, эртанги тинч-хотиржам ҳаёти учун кескин чоралар кўрилаётган айни кунларда кўнгил майлига бўйсуниб, қандайдир майда ҳою ҳавасларимизни деб, бепарволикка йўл қўйишимиз мумкинми?! Асло, йўқ!

Биз мудроқ кайфиятдан қутулмас эканмиз, эзгу орзу-ниятларимиз рўёби кечикаверади. Таъбир жоиз бўлса, ўзимиз ўтирган шоҳни ўзимиз кессак, оқибати яхши бўлмаслиги аниқ. Хавфли вируснинг яна кенг тарқалиб кетиши шу пайтга қадар мазкур касалликни жиловлаш борасида эришилган муваффақиятларни шамолга совуриш билан баробардир. Бунга эса умуман йўл қўйиб бўлмайди.

Президентимиз яқинда аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, **"Афсуски, бу балонинг охири кўринмаяпти. Европа давлатлари яна локдаунга киряпти. Қўшниларимизда ҳам аҳвол яхши эмас. Хавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун огоҳ бўлишимиз керак"**.

Бир кишидан бошқага юқиб, худди вирусдек кенг тарқалиб бораётган бефарқликка, лоқайдликка қарши ҳар биримиз Ватанимиз тақдирига юксак дахлдорлик билан ўзимиз, яқинларимиз, дўсту ошнамиз, кўрган-билганларимизнинг масъулиятини ошириш билан курашайлик.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

# БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**2020/2021 ўқув йилида битираётган ёш мутахассислар ҳақида маълумот.**

## Бакалавриат

| Т/р | Шифри | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | шу жумладан: грант | шу жумладан: шартнома | Бухоро вилояти: грант | Бухоро вилояти: шартнома | Навоий вилояти: грант | Навоий вилояти: шартнома | Самарқанд вилояти: грант | Самарқанд вилояти: шартнома | Қашқадарё вилояти: грант | Қашқадарё вилояти: шартнома | Тошкент вилояти: грант | Тошкент вилояти: шартнома | Сурхондарё вилояти: грант | Сурхондарё вилояти: шартнома | Фарғона вилояти: грант | Фарғона вилояти: шартнома | Сирдарё вилояти: грант | Сирдарё вилояти: шартнома | Жиззах вилояти: грант | Жиззах вилояти: шартнома | Хоразм вилояти: грант | Хоразм вилояти: шартнома | Тошкент шаҳри: грант | Тошкент шаҳри: шартнома | Қорақалпоғистон Республикаси: грант | Қорақалпоғистон Республикаси: шартнома | Хорижий давлатлар: грант | Хорижий давлатлар: шартнома |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5510100 | Даволаш иши | 141 | 30 | 111 | 25 | 87 | 2 | 16 | | 1 | 1 | 2 | | | 2 | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 2 |
| 2. | 5510400 | Стоматология | 119 | 18 | 101 | 7 | 39 | 1 | 8 | 4 | 2 | 2 | 22 | | | | 10 | 1 | 2 | | 1 | | 2 | 3 | 11 | | 2 | | 2 | | |
| 3. | 5111003 | Тиббий педагогика | 26 | 6 | 20 | 6 | 18 | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 4. | 5510700 | Олий ҳамширалик иши | 51 | 22 | 29 | 13 | 28 | | 1 | 1 | | | | | | 8 | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | **337** | **76** | **261** | **51** | **172** | **3** | **25** | **5** | **3** | **3** | **24** | | | **10** | **12** | **1** | **3** | | **3** | | **2** | **3** | **11** | | **2** | | **2** | | **2** |

## Магистратура

| Т/р | Шифри | Мутахассисликлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | шу жумладан: грант | шу жумладан: шартнома | Бухоро вилояти: грант | Бухоро вилояти: шартнома | Жиззах вилояти: грант | Жиззах вилояти: шартнома | Хоразм вилояти: грант | Хоразм вилояти: шартнома | Навоий вилояти: грант | Навоий вилояти: шартнома |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5A510101 | Акушерлик ва гинекология | 5 | | 5 | | 5 | | | | | | |
| 2. | 5A510102 | Эндокринология | 2 | | 2 | | 2 | | | | | | |
| 3. | 5A510103 | Терапия (йўналишлар бўйича) | 4 | | 4 | | 4 | | | | | | |
| 4. | 5A510104 | Оториноларингология | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | |
| 5. | 5A510105 | Кардиология | 3 | | 3 | | 3 | | | | | | |
| 6. | 5A510106 | Офтальмология | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | |
| 7. | 5A510107 | Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича) | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | |
| 8. | 5A510108 | Дерматовенерология | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | |
| 9. | 5A510109 | Неврология | 4 | 1 | 3 | 1 | 3 | | | | | | |
| 10. | 5A510110 | Умумий онкология | 3 | 1 | 2 | 1 | 2 | | | | | | |
| 11. | 5A510111 | Психиатрия | 9 | 9 | | 8 | | | | | | 1 | |
| 12. | 5A510112 | Хирургия (йўналишлар бўйича) | 3 | 1 | 2 | 1 | 2 | | | | | | |
| 13. | 5A510113 | Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича) | 2 | | 2 | | 2 | | | | | | |
| 14. | 5A510114 | Нейрохирургия | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | |
| 15. | 5A510127 | Спорт тиббиёти | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | |
| 16. | 5A510401 | Стоматология (йўналишлар бўйича) | | | | | | | | | | | |
| 17. | 5A510401 | Терапевтик стоматология | 3 | | 3 | | 3 | | | | | | |
| 18. | 5A510401 | Хирургик стоматология | 2 | | 2 | | 2 | | | | | | |
| 19. | 5A510401 | Ортопедик стоматология | 3 | | 3 | | 2 | | | | 1 | | |
| 20. | 5A510401 | Болалар стоматологияси | 2 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | | |
| | | **Жами** | **52** | **15** | **37** | **14** | **35** | | **1** | | **1** | **1** | |

## Клиник ординатура

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | шу жумладан: грант | шу жумладан: шартнома | Бухоро вилояти: грант | Бухоро вилояти: шартнома | Жиззах вилояти: грант | Жиззах вилояти: шартнома | Қашқадарё вилояти: грант | Қашқадарё вилояти: шартнома | Навоий вилояти: грант | Навоий вилояти: шартнома | Самарқанд вилояти: грант | Самарқанд вилояти: шартнома | Сурхондарё вилояти: грант | Сурхондарё вилояти: шартнома | Тошкент шаҳри: грант | Тошкент шаҳри: шартнома | Хоразм вилояти: грант | Хоразм вилояти: шартнома | Хорижий давлатлар: грант | Хорижий давлатлар: шартнома |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Акушерлик ва гинекология | 9 | | 9 | | 2 | | | | 4 | | 3 | | | | | | | | | | |
| 2. | Анестезиология ва реаниматология | 6 | | 6 | | 4 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | |
| 3. | Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси | 2 | | 2 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 4. | Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 5. | Болалар неврологияси | 2 | | 2 | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 6. | Болалар терапевтик стоматологияси | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Болалар юқумли касалликлари | 3 | | 3 | | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Дерматовенерология | 4 | | 4 | | 2 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | |
| 9. | Ички касалликлар (терапия) | 16 | 1 | 15 | 1 | 11 | | | | 2 | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 10. | Кардиология | 10 | | 10 | | 5 | | | | 2 | | 2 | | | | 1 | | | | | | |
| 11. | Лаборатория иши | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | Наркология | 2 | 2 | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 13. | Неврология (асаб касалликлари) | 17 | | 17 | | 10 | | 1 | | 4 | | 1 | | | | 1 | | | | | | |
| 14. | Неонатология | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 15. | Нефрология гемодиализ билан | 4 | | 4 | | 3 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 16. | Оториноларингология | 6 | | 6 | | 3 | | | | 2 | | 1 | | | | | | | | | | |
| 17. | Офтальмология | 8 | | 8 | | 4 | | | | | | 2 | | | | 1 | | 1 | | | | |
| 18. | Паталогик анатомия | 3 | 2 | 1 | 2 | . | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 19. | Педиатрия | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 20. | Психиатрия | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 21. | Пульмонология | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 22. | Ревматология | 3 | 1 | 2 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 23. | Спорт тиббиёти | 4 | 4 | | 3 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 24. | Суд тиббиёт экспертизаси | 3 | 2 | 1 | 1 | . | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 25. | Терапевтик стоматология | 13 | | 13 | | 10 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | |
| 26. | Тиббий психология | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 27. | Тиббий радиология | 12 | | 12 | | 9 | | | | | | 2 | | | | 1 | | | | | | |
| 28. | Травматология ва ортопедия | 4 | | 4 | | 2 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | |
| 29. | Умумий онкология | 4 | | 4 | | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 30. | Умумий хирургия | 5 | | 5 | | 2 | | | | | | 2 | | | | | | | | | | 1 |
| 31. | Урология | 3 | | 3 | | 1 | | | | 2 | | | | | | | | | | | | |
| 32. | Фтизиатрия | 4 | 4 | | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 33. | Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи) | 2 | | 2 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 34. | Эндокринология | 8 | | 8 | | 8 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 35. | Эпидемиология | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 36. | Юқумли касалликлар | 3 | 2 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Жами** | **171** | **22** | **149** | **18** | **94** | | **1** | **2** | **21** | **2** | **21** | | **3** | | **5** | | **2** | | **1** | | **1** |

**Манзил: 200018, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 1-уй. Бухоро давлат тиббиёт институти.**
**Тел/факс: 65-223-81-32, 223-00-50. E-mail:buxorodti@exat.uz**

**Аукцион савдолари хабарномаси**

# «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти

**мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Очиқ аукцион савдоларига **«TOSHSHAHARTRANSXIZMAT»** АЖга қарашли **«TOSHKENT TRAMVAYI»** унитар корхонаси ҳисобидаги, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 221,0 кв. метр, фойдаланиш майдони 181,72 кв. метрдан иборат бўлган № 85-сонли электр нимстанцияси биноси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 686 362 000** (олти юз саксон олти миллион уч юз олтмиш икки минг) сўм.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси 2021 йилнинг 18 май куни соат 15.00 да ташкил қилинади.

Мазкур санада аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба куни соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аукцион савдоларида қатнашиш истагида бўлган талабгорлардан:**

— аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиз миқдоридаги закалат пулини тўлашлари;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, СТИР нусхаси;

— юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш куни ичида сотувчи, яъни «TOSHKENT TRAMVAYI» унитар корхонаси билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлар олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар томонидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдорида тўлов тўланиши лозим.

Аукцион савдосида ғолиб бўлган талабгор мулк сотилиш қийматининг 2 % (фоизи) миқдорида комиссион йиғимини аукцион савдолари ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, ҳ/р: 20208000900759233001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдоларига қўйилган мулк билан корхона ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. **Телефон:** 99-862-16-71. **E-mail:** kmfiauksion@mail.ru

Лицензия № RR-0297.

# ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ

## Самарқанд янада кўркам шаҳарга айланмоқда



1

Яна бир муҳим жиҳати аэропортда карго хизмати йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юк ташиш рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Карго барқарор ва манфаатли бўлиши учун доимий юк керак. Бунинг учун самолётларга хизмат кўрсатиш, юкларни ортиш ва етказиб беришни арзон ҳамда тез йўлга қўйиб, бошқа авиакомпанияларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари, вилоятда экспортбоп мева-сабзавотларни кўпайтириб, уларни шу карго орқали жаҳон бозорига чиқариш мумкин, — деди Президент.

1000 киши иш билан таъминланадиган мазкур янги аэропортни шу йилнинг сентябрида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан сўнг, у “очиқ осмон” тартибида тўлиқ ишлай бошлайди.

### Зиёратгоҳ буюк бобомиз мақомига муносиб бўлади

Давлатимиз раҳбари 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини айтиб, бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши кераклигини таъкидлаган эди.

Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Президент ҳузурида бир неча бор тақдимот қилинди ва такомиллаштирилди. Юртбошимизнинг Самарқандга бу галги ташрифи чоғида — муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳнинг қурилиши бошланди.

Бу ерда 10 минг ўринли масжид, тўртта симметрик минора, баланд айвонлар, 21 гектар майдонда улуғ аждодларимизнинг диний мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи хиёбон, кўп сонли зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш учун “ҳалол” стандартига эга қатор меҳмонхона ҳамда оилавий меҳмон уйларидан иборат зиёрат туризми мажмуаси барпо этилади. Шунингдек, 3 та автотурарғоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча, ошхоналар, ҳунармандчилик буюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кушхона қурилиши белгиланган.

— Тўғрисини айтиш керак, шу пайтга қадар ислом давлатларидан келадиган сайёҳларимиз, зиёратчиларимиздан ушбу маскан ва ундаги шароитлар юзасидан айрим эътирозлар бўлар эди, — дейди Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи раиси Деҳқонбой Эрмаматов. — Мана, энди Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи у зотнинг мавқеига, ислом дунёсидаги ҳурмати, обрўсига мос ва хос бўлган жуда кўркам масканга айланмоқда.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ҳам ташкил этилган эди. Қурилажак янги мажмуа улар билан мутаносибликда яхлит бир илм-маърифат шаҳарчасини ташкил этаётир. Ёшларимизни илмли, зукко инсонлар қилиб етиштириш учун жуда катта мажмуа яратиляпти. Қисқаси, энди бу ерда зиёратчилар учун ҳам, илми толиблар учун ҳам барча шароит мавжуд бўлади. Халқимиз, уламоларимиз бундан жуда хурсанд. Бу тарихий воқеа асрлар оша халқимизнинг ёдида сақланажак.

### Миллионли шаҳар

Самарқанд — қадимий шаҳар. Унинг тарихий қиёфасини сақлаш муҳим бўлганидек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун шароит яратиш ҳам керак.

Ана шу мақсадда Самарқанд шаҳрининг чеккасидаги Қорасув мавзесида замонавий уй-жойлар бунёд этилаётир. Мазкур масканни Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда вилоятга ташрифи чоғида ҳам кўздан кечириб, дастлабки уйлар, янги лойиҳалар тақдимоти билан танишган эди. Ўтган даврда бу лойиҳалар ҳаётга кўчди. “Agromir Buildings” масъулияти чекланган жамияти томонидан мавзеда 12, 14, 15 ва 16 қаватли жами 47 та тураржой қурилди. Улар 3 минг 588 та хонадонга мўлжалланган.

— Президентимиз келиб, ушбу мавзеда дастлабки қурилган 7 қаватли уйларни очиш жараёнида бу ерда 16 қаватли уйларни қуриш ташаббусини билдирган эди. Мана 16 қаватли уйлар ҳам тез фурсатда фойдаланишга топширилди, — дейди “Обод маскан” МФЙ раиси Дўстмурод Саидов. — Ҳозирги кунда Қорасув мавзесида 3 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда мамлакатимиз шаҳарсозлигининг тажрибаси шаклланди, десам, муболаға бўлмайди. Маҳалламизда “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида яна бир янгилик йўлга қўйилган. Яъни кўп қаватли уйларнинг ертўласида тикувчилик цехлари ташкил этилди. Ушбу цехларда шу ерда яшайдиган хотин-қизлар ишлаб, даромад топишяпти.

Мазкур тураржойларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлиб, хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Биноларга видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган. Уйлар эгаларига тайёр ҳолда топширилмоқда.

Шу ерда Самарқанд шаҳри бош режаси ва шаҳар ҳудудини кенгайтириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Унга кўра, Самарқанд шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ишлари давом эттирилиб, шаҳарнинг Қорасув, Ширин ва вокзал орти ҳудудларида “реновация” тамойили асосида замонавий тураржойлар барпо этилади.

Шунингдек, шаҳарнинг темир йўл орти ҳудудида жойлашган, етти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган “Меҳнат”, “Матонат” ва “Майсазор” маҳалла фуқаролар йиғинларида кўп қаватли тураржойлар, дам олиш масканлари, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши лойиҳалари ҳам ўзига хос архитектура талаблари, янгича дизайн ҳамда қулайликларни ўзида жамлаган. Бу ишларнинг амалга ошиши билан ҳудудда 13 мингдан ортиқ аҳолига мўлжалланган 208 та кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа объектлар қад ростлайди.

Ширин маҳалласида ҳам 90 минг аҳоли учун янги шаҳарча лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу ерда 1 минг 788 та якка тартибдаги уй-жой бор. Янги лойиҳа бўйича турли ижтимоий соҳа объектлари, замонавий кўп қаватли уйлар бунёд этилиб, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгаради. Мақсад — аҳоли учун қулайлик яратиш, инфратузилмани яхшилаш ва Самарқандни миллионли шаҳарга айлантиришдир.

**2021-2022 ЙИЛЛАРДА** Самарқанд вилоятида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қиймати **30 триллион 415 миллиард сўмлик 1 минг 279 та** инвестиция лойиҳаси режалаштирилган.

### Ўхшаши йўқ туристик маскан

Мамлакатимизда туризм ривожига катта имкониятлар яратилаётгани, 90 га яқин мамлакат фуқароларига визасиз тартиб жорий қилингани юртимизга туристларни янада кўпроқ жалб этмоқда. Натижада Самарқандда меҳмонхоналар кўп бўлишига қарамай, баъзан сайёҳлар учун ўринлар етишмай қолиши кузатиляпти.

Шу боис Самарқанд туманидаги канал бўйида туристик марказ бунёд этилмоқда. Мажмуа лойиҳасига кўра, бу ерда халқаро конгресс маркази, “Абадий шаҳар” карвонсарой мажмуаси, 8 та меҳмонхона, хиёбонлар, дам олиш ва кўнгилочар объектлар, ҳунармандчилик маркази, сунъий сув ҳавзалари қурилади.

Туристик мажмуага келган меҳмонларга турли хизматлар кўрсатилади. Сайёҳлар бу ерда нафақат меҳмонхоналарга жойлаштирилади, балки қизиқарли фаолият билан шуғулланиши учун ҳам имкониятлар яратилади, кўплаб ресторан, кафелар барпо этилади. “Абадий шаҳар” деб номланган карвонсаройда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, архитектурамиз, ҳунармандчилигимиз намуналари акс эттирилади. Шунингдек, ҳудуд бўйича йирик парк ҳам ташкил қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, бу объект спортга, яъни эшкак эшиш спортига ихтисослаштирилган бўлган. Шу боис ҳам бу ерда эшкак эшиш спорти мактабининг янги биноси қайтадан қурилмоқда. Ушбу сув ҳавзаси тўлиқ реконструкция қилиниб, спортчиларга барча керакли шароит яратиб берилади.

Туризм марказида бунёдкорлик ишлари жараёнида яна бир жиҳатга эътибор қаратилмоқда, яъни ҳудудни кўкаламзорлаштириш масаласи. Ана шу мақсадда ушбу марказда тропик ўсимликлар ва қушларнинг экзотик парки ҳам яратилмоқда. Марказ ён-атрофида ташкил этилиши режалаштирилган ушбу боғ-роғларнинг барчаси ноёб дарахтлардан иборат бўлади. Яъни туризм маркази ҳудудига 12 минг дона манзарали дарахт, 6 минг дона игнабаргли дарахт, 200 мингга яқин ҳар хил буталар ҳамда қарийб 20 минг квадрат метр майдонга кўп йиллик ва бир йиллик гулларнинг экилиши режалаштирилган. Айни пайтда мажмуадан 12 мингдан ортиқ ноёб дарахт турлари ўрин олган ва уларнинг барчаси Италия давлатидан келтирилган. Улар келгусида мана шу туристик марказ атрофида бунёд этиладиган юз гектарлик боғдан ўрин олади.

Объект фойдаланишга топширилгач, бу ерда йирик бизнес ва маданий тадбирлар, яъни турли форумлар, конгресслар, конференциялар ҳамда фестивалларни ҳам ташкил этиш имконияти яратилади.

— Қисқаси, бугун Самарқандга келувчи сайёҳлар учун нафақат шаҳар ичкарисидаги тарихий обидаларда, балки мана шундай кўнгилочар мажмуаларда вақтини хуш ўтказиши учун қулай бир шароит яратиляптики, бу соҳадаги катта янгилик, десак, ҳам бўлади. Сабаби бу ерда нафақат маданий, балки экотуризм, спорт туризми ҳам ривожланяпти, — дейди Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш департаменти директори ўринбосари Жасур Раҳмонов. — Шу билан бирга, бу ерга ташриф буюрувчи сайёҳлар ўзини замонавийлик ҳамда миллийликни ўзида мужассам этган тарихий шаҳарчага тушиб қолгандек ҳис қилади. Қолаверса, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, ҳунармандчилигимиз, таомларимиз ва умуман, яшаш тарзимиз билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, қурилаётган марказ туристик хабга айланади. 1 500 та иш ўрни яратиладиган мазкур объектни 2022 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Президентимизга янги сайёҳлик марказининг шу каби имкониятлари, туристларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳам топшириқлар берди. Туристик марказни шаҳар билан боғлайдиган йўлўтказгич билан танишди, уста Умар Жўрақулов ва Афросиёб кўчаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

### Ургутда саноат холдинги

Президентимиз ташриф буюрган объектлардан бири — “Ургут” эркин иқтисодий зонаси бўлди.

Бугунги кунда бу ерда умумий қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 киши меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, енгил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

Давлатимиз раҳбари Ургут туманининг Мерганча даҳасида жойлашган “Kamalak Tekstil” корхонаси фаолиятини кўздан кечириб, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция ва Германия давлатларининг замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлари ўрнатилган мазкур корхонада 328 та иш ўрни яратилган. “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар томонидан экспорт қилинган жами маҳсулотлар ҳажмининг қарийб тўртдан бир қисми мазкур корхона ҳиссасига тўғри келади.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган гилам маҳсулотлари МДҲнинг кўплаб давлатларида харидоргир ҳисобланади. Яқинда Саудия Арабистони ва АҚШга ҳам жўнатишни бошладик. Келажакда Европа давлатларига ҳам экспорт қилиш режаларимиз бор, — дейди бош менежер Темур Ҳайдаров. — Давлатимиз раҳбари корхонамиз фаолияти билан яқиндан танишди, истиқболдаги режаларимиз билан қизиқди. Келгусида биз янги лойиҳа асосида 300 кишилик янги гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини барпо этмоқчимиз.

Президент “Сам электросервис” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиб, маҳсулот турларини кенгайтириш, замонавий электр техникалари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Корхона “Идеал” бренди остида йилига 260 минг дона электр духовка, 150 минг дона газ плиталари ва улар учун қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Унга Германия, Туркия ҳамда Хитойдан замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари бутун Ургут туманини эркин иқтисодий зона қилиш таклифини бериб, унинг фаолиятини холдингга айлантириш ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

— “Ургут” эркин иқтисодий зонаси давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йилда ташкил этилган эди, — дейди дирекция раҳбари Жамшид Ҳайдаров. — Ҳозирги кунда эркин иқтисодий зонада 55 та корхона ишга тушди. Ўтган йили бу корхоналарда 1 триллион 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Иқтисодий зонада 5 мингга яқин иш ўринлари яратилган ва корхоналарда 220 турдаги, жумладан, 110 турдаги импорт ўрнини босувчи электротехникалар, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда яна 30 та корхонада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилояпти. Юртбошимизнинг ташрифи давомида 80 га яқин янги лойиҳаларнинг тақдимотини ўтказдик. Уларнинг ишга туширилиши натижасида яна 10 мингга яқин иш ўринлари яратиш ва экспорт географиясини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Давлатимиз раҳбари “Ургут” эркин иқтисодий зонаси негизида холдинг компания тузиш ҳамда лойиҳаларни сифатли ишлаб чиқиш учун “Лойиҳалар фабрикаси”нинг “Ургут офиси”ини ташкил қилиш таклифини киритди. Бу бизга янада катта масъулият юклайди.

### «In vitro» — қишлоқ хўжалигига илмий ёндашув

Агросаноат комплексига инновацион технологияларни жорий этиш ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги “Sag Agro” масъулияти чекланган жамиятининг “In vitro” лабораториясига ташрифи таассуротларга бой бўлди.

Лойиҳа қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лаборатория учун 24 гектар ер ажратилган бўлиб, 2 гектарда замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар майдонда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мевали дарахтлар кўчати олиб келиниб, парвариш қилиняпти.

Агрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган бўлиб, тупроқ, сув ҳамда барг намуналарини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунинг самарадорлиги шундаки, боғдорчилик хўжаликларининг тупроқ шароити ўрганилиб, унга мос кўчатлар тавсия қилинади. Натижада кўчатлар хатосиз униб, мўл ҳосил етиштирилади.

— Лаборатория фаолияти билан яқиндан танишар экан, Президентимиз бу қўшилган қиймат яратишда инқилобий усул эканлигини ва илмий ёндашув билан самарадорликни янада ошириш кераклигини таъкидлади, — дейди лаборатория муҳандис-биотехнологи Элбой Бозоров. — “In vitro”нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион донагача пайвандтаг ҳамда пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбоп меваларнинг касалликдан холи, иқлим шароитимизга мос кўчатлари етиштирилмоқда. Натижада илгари хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаб, харидорларга бир неча баробар арзон нархларда етказиб беряпмиз. Масалан, шу пайтгача чет элдан олиб келинган ёнғоқ кўчатининг бир донаси 5 доллардан 20 долларгача бўлган бўлса, бу ерда етиштирилаётгани 3-3,5 долларни ташкил этади.

Яна бир гап. Президентимиз Наманган вилоятига ташрифи чоғида “Sag Agro” масъулияти чекланган жамиятининг “In vitro” лабораториясига олхўри кўчатчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича топшириқ берган эди. Шу топшириқ юзасидан ҳозирги кунда АҚШда патентланган ва дунёда энг яхши пайвандтаг ҳисобланган “SG1” пайвандтаги Ўзбекистонга олиб келинди. Яъни “SG1” — бу шафтоли, бодом гибриди клонал пайвандтаги бўлиб, ҳозирги кунда энг мослашувчан олхўри пайвандтаги ҳисобланади. Юқори сифатли ушбу пайвандтаг кучли ўсиш хусусиятига эга. Шунингдек, шўрхок тупроқларга, ишқорий тупроққа, зараркунандаларга, фитофтороз касаллигига чидамли, оғир ва нам тупроқ шароитларида ҳам яхши ривожланади ҳамда кучли илдиз тизимига эга. Давлатимиз раҳбари бу пайвандтагни республика бўйича оммалаштириш, шунингдек, лабораториямизда етиштирилаётган павлония кўчатини ҳам кўпайтириш бўйича топшириқлар берди.

### Хорижнинг илғор тиббиёт тизими энди Самарқандда

Ташриф доирасида Президентимиз Самарқанд шаҳрида очилган “Zarmed pratiksha hospital group” номли кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти билан танишиб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу қўшма корхонани юқори баҳолади. Унинг таъсисчиларидан бири Нишант Бажажнинг айтишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга ташрифи, ишбилармон доиралар ўртасида ўтказилган учрашувлар ҳамкорликка ишонч туғдирган.

8,5 миллион АҚШ доллари эвазига бунёд этилган мазкур кўп тармоқли тиббиёт марказида 5 та жарроҳлик амалиёти хонаси, 100 ўринли стационар мавжуд. Интервенцион кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, эндоскопик жарроҳлик, ортопедия ва травматология, урология ҳамда гинекология, отоларингология фаолият турлари учун замонавий диагностика ускуналари ўрнатилган. Марказ бир вақтнинг ўзида 600 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Ушбу масканда тиббий хизматлар халқаро стандартлар асосида комплекс тарзда кўрсатилади.

— Мамлакатимизда хусусий тиббиётни ривожлантиришга шароит яратилгани натижасида шу клиникани ташкил эта олдик, — дейди тиббий клиника таъсисчиси Дилшод Шукруллаев. — Марказда лапораскопия ва эндожарроҳлик амалиётларини бажариш учун Ҳиндистондан мутахассисларни жалб қилганмиз. Бугунги кунда 140 та янги иш ўрни яратдик. Жами ходимларимиз 200 нафардан ортиқ. Биз ҳозир тиббиётда тиббий кластер лойиҳасини бошлаганмиз. Лойиҳага асосан, Самарқанд шаҳрида хусусий тиббий олийгоҳни ташкил қилмоқчимиз. У ерда чет элдан келган мутахассислар ҳам талабаларга дарс беради.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга Самарқандда хусусий тиббиёт университети ва клиникадан иборат тиббиёт кластерини ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, хорижда ишлаб юрган самарқандлик шифокорларни ишга таклиф қилиш учун вилоят ҳокимлигида жамғарма тузиш ва уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

— Мамлакатимизда олдинги тиббиёт билан ҳозирги тиббиётнинг фарқи жуда катта. Буни шу ерга ишга келиб англадим, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Ўктам Абдуллаев. — Мен 5 йил олдин Мальдив оролларига ишлаш учун кетган эдим. У ерда 5 йил давомида шартнома асосида жарроҳ бўлиб ишладим. Менга ушбу клиника раҳбариятидан шу ерга келиб ишлаш бўйича таклиф тушди. Маъқул бўлганлиги учун келиб фаолият бошладим. Бу ерга энг юқори технологик асбоб-ускуналар ўрнатилган. Буларнинг барчаси бизлар учун беморларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

### Улкан режаларга пойдевор бўлган машварат

Ташрифнинг иккинчи кунида вилоят фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятида катта ўзгаришлар бўлаётгани, одамларнинг дунёқараши ўсиб, фаоллиги ошаётгани, жойлардаги ижро ҳокимияти раҳбарлари ҳам бугунги ҳаёт ва шиддатга мос ишлаши кераклигини қайд этди.

Президентимиз вилоятнинг фойдаланилмаган имкониятларини ишга солиш учун 5 та “драйвер” соҳани кўрсатиб ўтди. Булар — саноат, транспорт логистикаси, йирик индустриал иссиқхоналар, хизмат кўрсатиш ва туризм. Ушбу соҳаларда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар айтиб ўтилиб, масъуллар белгиланди.

2021-2022 йилларда Самарқанд вилоятида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қиймати 30 триллион 415 миллиард сўмлик 1 минг 279 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилгани таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Қўшработ, Иштихон ва Ургут туманларида 8 минг гектарда интенсив боғ ҳамда узумзорлар барпо этиб, 4 мингдан зиёд кишиларни иш билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Чорвачиликда яна 4 минг, пиллачилик ва ипак маҳсулотлари тайёрлашда 12 минг иш ўрни яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Ҳар бир маҳалладаги муаммо ва имкониятларни танқидий ўрганиш, аҳолини тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш орқали камбағалликни қисқартириш асосий вазифа бўлиши таъкидланди.

Самарқанд давлат университети ҳузурида Муҳандислик физикаси институти, Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти ташкил этилади.

Шунингдек, Президент Ургут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича икки ой муддатда Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш бўйича кўрсатма берди. Бунда Самарқанд давлат университетининг Ургут филиали ташкил қилинади. Ҳудудда аҳоли кўп экани инобатга олиниб, тиббиёт факультети ҳам очилади.

Нарпай хизмат кўрсатиш техникуми биносида ҳамда Пайариқ туманидаги иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежида Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)” ҳамда “Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили” факультетлари очилади.

— Юртбошимиз ташриф давомида ҳамма соҳаларда амалга ошириладиган ишлар, жумладан, таълимга катта урғу берди. Мен шу соҳада 40 йил ишлаган фуқаро сифатида бундай эътибордан жуда тўлқинландим, — дейди таълим фахрийси Қуддус Асқаров. — Ургутда Самарқанд давлат университетининг филиали очилиши ва туманда қайси йўналишларда мутахассис етишмаса, шу факультетлар ташкил этилиши маҳаллий ёшлар учун жуда катта имконият.

Йиғилишда аҳоли фаровонлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Вилоятдаги ижтимоий соҳа объектлари учун республика бюджетидан қўшимча 200 миллиард сўм ажратиладиган бўлди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 108 минг нафар ёшнинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўргатиш зарурлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрини 1 миллион аҳоли яшайдиган йирик шаҳарга айлантириш учун Самарқанд, Пастдарғом, Тайлоқ ва Оқдарё туманлари ҳудудидан 18 минг гектар ер майдонини қўшиб бериш ҳамда вилоят маъмурий марказини Гулободга кўчириш бўйича Самарқанд фаолларининг таклифларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бошқарув тизимини яхшилаш учун Самарқанд шаҳрида кейинчалик босқичма-босқич 5 та: Сўғдиёна, Сиёб, Боғишамол, Мароқанд ва Қорасув туманлари ташкил этилади.

Бу каби кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад одамларнинг яхши яшаши учун қулай шарт-шароит яратиш, бандлигини таъминлаш ва даромадини кўпайтириш орқали уларни ҳаётдан рози қилишдан иборат.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг Самарқандга ташрифи вилоят тарихида янги саҳифани очди. Кўҳна шаҳарнинг асрлар давомида эътироф этилгани каби Ер юзининг сайқали сифатида янада чирой очишига мустаҳкам замин яратилди, десак, айни ҳақиқат.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**







Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6